

ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳисоб варағини ёзиш учун мутаносиб равишда қўшиб борилади.

3.9. Ҳисоблагичлар кўрсаткичи ёзиб олинмаган ёки энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот “Истеъмолчи” томонидан тақдим этилмаган тақдирда, “Корхона” томонидан энергия истеъмолининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун энергия истеъмолининг амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилишга ҳақли, бу ҳақда “Истеъмолчи”нинг ҳисоб варағида тегишли равишда қайд қилинади.

Ҳисоблагичлар кўрсаткичи назорат тартибиде “Корхона” вакили томонидан ёзиб олингандан кейин “Корхона” томонидан амалда истеъмол қилинган энергия учун белгиланган тартибда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

3.10. “Истеъмолчи”нинг энергия учун тўловлар, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергия қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

“Истеъмолчи”нинг айби билан ушбу шартномада кўрсатилган энергия ҳажми тўлиқ истеъмол қилинмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.11. Шартномада келтирилган ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилинганда, “Истеъмолчи”дан шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқча истеъмол қилинган энергиянинг жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

3.12. “Истеъмолчи” “Корхона” билан биргаликда ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.13. “Истеъмолчи”ни электр тармоқларидан узиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади: Шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

“Корхона” талабномалари ижро этилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисоблагичлар кўрсаткичларини олиш ва ҳисоблаш тизими уланиш занжирини текшириш учун рухсат этилмаганда;

ҳисоблагичлар қасддан бузилганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашилганда;

электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

3.14. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб “Истеъмолчи”ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.15. Истеъмолчи тармоққа унинг томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг қайта уланади (ЭНХАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно, ЭНХАТга уланган истеъмолчи дегани: масофадан тармоқдан ажратиш имкони бор истеъмолчилардир).

3.16. Истеъмолчи етказиб берилган энергия учун ўз вақтида(шартномада белгиланган муддатларда) тўламаса, Корхонага муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида (Энергия махсус тартибда етказиб берувчи корхоналар учун 0,2фоиз) лекин муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.